

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

5 Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини ва Олий аттестация комиссияси фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари 1-иловага мувофиқ;

Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси аппаратининг ходимларнинг чекланган умумий сони 20 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 16 нафар бўлган тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг — фан доктори дипломининг, шунингдек профессор, доцент ва катта илмий ходим аттестатларининг давлат намуналари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгаш тўғрисидаги низом, Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом ишлаб чиқилганлиги ва белгиланган тартибда тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, илмий даражаси мавжудлиги учун лавозим

маошларига қўшимча ҳақ ва бошқа устамалар 2013 йил 1 январдан бошлаб тўланмайди.

4. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг шахсий таркибини тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ҳамда Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, ўз таркибида олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 28 декабрь,
365-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 28 декабрдаги 365-сон қарорига
1-ИЛОВА

Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган
ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари (кейинги ўринларда Давлат талаблари деб аталади) «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон Фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида» 1998 йил 5 январдаги 5-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимига мажбурий талабларни белгилайди.

2. Давлат талаблари барча олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасалари учун мажбурийдир.

3. Давлат талабларига мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларидан, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор истиқболли йўналишларидан, янги ахборот ва педагогика технологияларини жорий этишдан, шунингдек олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасидаги жаҳон ютуқлари ва тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда тузатишлар киритилиши ва қўшимчалар қўшилиши мумкин.

4. Ушбу Давлат талабларида қуйидаги таърифлар қўлланилади:

олий ўқув юртидан кейинги таълим — жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган узлуксиз таълим тури;

катта илмий ходимлар-изланувчилар институти — ишлаб чиқаришдан бўшаган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фан доктори даражаси изланувчилари учун олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли;

мустақил изланувчилик — ишлаб чиқаришдан бўшамаган ҳолда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганиш ва улар томонидан илмий изланишлар бўйича фан доктори илмий даражаси изланувчилари учун олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли;

катта илмий ходим-изланувчи — олий таълим муассасасига ёки илмий-тадқиқот муассасасига катта илмий ходим-изланувчи лавозимига белгиланган тартибда қабул қилинган шахс;

мустақил изланувчи — олий таълим муассасасига ёки илмий-тадқиқот муассасасига мустақил изланувчиликка белгиланган тартибда қабул қилинган шахс.

II. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларида ўқиш шакллари ва муддатлари, уларга қабул қилиш

5. Олий ўқув юртидан кейинги уч йилгача давом этадиган ўқиш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

катта илмий ходимлар-изланувчилар институти;

мустақил изланувчилик.

6. Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига катта илмий ходимлар-изланувчилар лавозимига қабул қилиш олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасалари ташкил этадиган махсус комиссиялар томонидан танлов асосида амалга оширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларида ўқишга талабгор-

ларни танлаб олиш кириш имтихонлари натижаларига кўра, конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш конун ҳужжатларига ва (ёки) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

III. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига кирувчи талабгорларга қўйиладиган талаблар

8. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига катта илмий ходимлар-изланувчилар сифатида кирувчи шахслар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

камида икки йиллик илмий ёки илмий-педагогик иш стажига эга бўлиш;

олий таълим муассасаси магистратураси дипломига ёки унга тенг бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси, Ички ишлар академияси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати олий таълим муассасалари дипломига ёхуд фан номзоди илмий даражасига ёки магистр даражаси жорий этилгунгача олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлиш;

илмий изланишлар ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиш лаёқатига эга бўлиш;

муайян илмий натижаларга, шу жумладан илмий журналлар ва нашрларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларида, тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида фан доктори илмий даражаси олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган иккита тезисга эга бўлиш;

хорижий тилни магистратура битирувчисининг тегишли даражасида билиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан Интернетдан фойдалана олиш.

9. Мустақил изланувчилар сифатида расмийлаштириладиган шахслар қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

камида беш йиллик амалий иш стажига эга бўлиш;

бакалавр ёки магистр дипломига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ёки Миллий хавфсизлик хизмати олий ҳарбий таълим муассасалари дипломига ёхуд фан номзоди илмий даражасига ёки магистр даражаси жорий этилгунгача олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлиш;

илмий изланишлар ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиш лаёқатига эга бўлиш;

муайян илмий ютуқларга, фан доктори даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил этиши мумкин бўлган (илмий журналлар ва нашрларда чоп этилган камида учта илмий мақолага, илмий, илмий-ама-

лий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларида, тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлиш, ва/ёки тегишли илмий йўналишлар бўйича ихтирога ёки селекция ютуғига битта ёки ундан кўп патентга муаллиф (хаммуаллиф) бўлиш ва/ёки тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий-технологик ишланмаларда қатнашганлик;

хорижий тилни магистратура битирувчисининг тегишли даражасида билиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан Интернетдан фойдалана олиш.

10. Олий ўқув юртиларидан кейинги таълим институтига қабул қилинадиган бакалавр, магистр ва фан номзоди ихтисослиги йўналиши олий ўқув юртидан кейинги таълим ихтисослиги мансуб бўлган фан соҳасига мувофиқ бўлиши керак. Ихтисосликлар мувофиқ бўлмаганда ёки олий ўқув юртидан кейинги таълимни фаннинг турдош соҳаларида олиш режалаштирилган ҳолларда талабгорлар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ҳамда Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан белгиланадиган тартибда қўшимча имтиҳонлар топшириши керак.

IV. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларида ўқишни ташкил этиш

11. Катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчилар ўқишнинг биринчи йилида танланган мутахассислик бўйича назарий ва методологик дастурни ўзлаштирадilar.

Мутахассисликлар бўйича назарий-методик дастурлар катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчиларнинг илмий маслаҳатчилари томонидан ишлаб чиқилади ҳамда олий таълим муассасалари ёки илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий кенгаши томонидан тасдиқланади. Назарий-методик дастур умумий концепцияни ва методология масалаларини, назарий асосларни ҳамда ушбу фан бўйича илмий тадқиқотлар усулларини ўз ичига олиши шарт.

Ўқишнинг кейинги йилларида катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчиларнинг махсус билимларини ошириш мақсадида олий таълим муассасалари ёки илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий кенгашлари томонидан фан соҳаларига кўра Олий аттестация комиссияси томонидан белгиланадиган фанлар бўйича малака ўқув дастурлари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Малака ўқув дастурлари катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчилар томонидан мустақил равишда ўзлаштирилади.

Катта илмий ходимлар-изланувчилар учун назарий ва илмий-тадқиқот ишлари бўйича юклама ҳажми ҳафтасига 36 соатни ташкил қилади, улардан 12 соатдан ортиқ бўлмаган юклама аудитория машғулотларига ажратилади. Мустақил изланувчилар учун ўқув юкламаси ҳажми ҳафтасига 12 соат-

ни ташкил қилади, улардан — 4 соатдан ортиқ бўлмаган юклама аудитория машғулотлари учун ажратилади.

12. Катта илмий ходимлар-изланувчиларнинг ва мустақил изланувчиларнинг сифатли тайёрланишини таъминлаш, шунингдек уларга илмий ва ўқув-методик ёрдам кўрсатиш мақсадида улар фаол илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб борувчи, шу жумладан давлат илмий-техник дастурлари доирасида илмий-техник лойиҳаларни амалга оширишда қатнашувчи фан докторлари жумласидан консультантларга биркитилади.

13. Катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчилар докторлик диссертациясини ҳимоя қилгунгача:

Ўзбекистоннинг янги тарихи, чет тили, шунингдек фан соҳаларига кўра Олий аттестация комиссияси томонидан аниқланадиган фанлар бўйича имтиҳон топшириши;

диссертация натижаларининг халқаро ва республика илмий ва илмий-амалий конференцияларида, семинарларида ва давра суҳбатларида апробация (муҳокама) қилинишини таъминлаши, шунингдек диссертациясининг асосий натижаларини акс эттирадиган, сони Олий аттестация комиссияси талабларига мувофиқ бўлган чоп этилган илмий мақолаларга эга бўлиши керак.

катта илмий ходимлар-изланувчилар диссертацияни ҳимоя қилгунгача, шунингдек ўқишнинг бутун даври давомида таълим муассасаларида камида 300 соат ҳажмида педагогик иш тажрибасига эга бўлиши керак.

14. Диссертацияни расмийлаштириш ва уни ҳимоя қилиш катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил изланувчи танлови бўйича ўзбек, рус, қорақалпоқ ва инглиз тилларида ёхуд Олий аттестация комиссияси билан келишган ҳолда бошқа тилда амалга оширилади.

V. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга қўйиладиган умумий малака талаблари

15. Қўйидагилар олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар (фан докторлари) тайёргарлигининг зарур ва етарли даражасини таъминлайдиган асосий талаблар ҳисобланади:

фан ва техника ривожланишига, муҳим ижтимоий-иқтисодий, маданий, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммони ҳал этишга ёхуд фаннинг тегишли тармоғида истиқболли йўналишни ривожлантиришда янги йирик ютуқ, жорий этилиши фан ва техника ривожланишига муҳим ҳисса қўшадиган илмий асосланган техник, иқтисодий ёки технологик ечимларга улушни таъминлайдиган ихтироларга ва селекция ютуқларига муаллиф (хам-муаллиф) бўлиш;

фаннинг тегишли соҳаси ривожланиши концепциясининг моҳияти ва мазмунини чуқур билиш, мутахассислик бўйича асосий билимларни пухта эгаллаш, мақсад ва вазифаларни, фан ва техникани ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини билиш ва тушуниш;

тадқиқотларнинг умумилмий ва аниқ тармоқ методологиясини эгаллаш,

муаммони малакали аниқлаш ва асослаш, илмий маълумотлар ва материалларни таҳлил қилиш, тизимлаштириш ва умумлаштириш, зарурият бўлганда экспериментал тадқиқотлар олиб бориш қобилиятига эга бўлиш;

тадқиқотлар натижаларига асосланиб муаммонинг моҳиятини билимдонлик билан баён қилиш, илмий хулосалар ва тавсияларни аниқ ва лўнда шакллантириш;

илмий натижаларни амалиётга жорий этиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида жаҳон фан ва техникаси ривожланишининг замонавий тенденциялари тўғрисидаги ахборотларни мақсадли излаш ва уларнинг натижаларини пухта ишлаш қобилиятига эга бўлиш;

тегишли давлат, тармоқ илмий-техника дастурлари ва бошқа тадбирлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, уларнинг мониторингини олиб боришда ва уларни амалга оширишда фаол қатнашиш;

бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш бўйича педагогик фаолиятда фаол қатнашиш, илмий тадқиқотлар натижаларини ўқув жараёнига жорий этишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш.

16. Фан доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация юқори малакали илмий иш бўлиши, унда муаллиф томонидан ўтказилган тадқиқотлар ва яратилган ишланмалар асосида муҳим ижтимоий-иқтисодий ва долзарб илмий ёки амалий муаммолар ҳал этилиши ёки илм-фан тегишли тармоғининг истиқболли йўналишини ривожлантириш учун муайян ютуқ сифатида баҳоланадиган янги назарий қоидалар комплекси ишлаб чиқилган бўлиши ёки жорий этилиши илм-фаннинг, техниканинг, ижтимоий-сиёсий соҳанинг ёки иқтисодиёт тармоғининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшадиган ечимлар ишлаб чиқилган бўлиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 28 декабрдаги 365-сон қарорига
2-ИЛОВА

Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Олий ўқув юртидан кейинги таълим ушбу Низомга мувофиқ катта

илмий ходимлар ва уч йилгача муддат мобайнида мустақил изланувчилик институти шаклида амалга оширилади.

3. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтлари фан ва техниканинг муҳим тармоқларида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, шунингдек фан ва техниканинг устувор йўналишларида фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш, давлат илмий-техник дастурларини амалга ошириш мақсадида етакчи олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳузурида очилади.

4. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларида ўқиш давлат бюджети маблағлари ҳисобига ва тўлов-контракт асосида (хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун) амалга оширилади.

5. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига қабул қилинаётган бакалавр мутахассислиги йўналиши, магистр ва фан номзоди мутахассислиги олий ўқув юртидан кейинги таълим мутахассислиги тегишли бўлган фан соҳасига мувофиқ бўлиши керак. Мутахассисликлар мос келмаганда ёки олий ўқув юртидан кейинги таълимни фаннинг турдош соҳаларида олиш режалаштирилган ҳолларда талабгорлар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (ОАК)нинг рухсатини олишлари керак.

Докторлик диссертациясини расмийлаштириш ва уни ҳимоя қилиш катта илмий ходим-изланувчи ёки мустақил изланувчининг танловига кўра ўзбек, рус, қорақалпоқ ва инглиз тилларида ёхуд ОАК билан келишган ҳолда бошқа тилда амалга оширилади.

II. Олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг ташкилий асослари

6. Олий таълим муассасаси ва илмий-тадқиқот муассасаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, Фанлар академиясига ёки ўзлари тизимига кирадиган тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга катта илмий ходимлар-изланувчилар институтини очишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида муурожаат қилади.

Муурожаат билан биргаликда олий таълим муассасаси кенгашининг ёки илмий-тадқиқот муассасаси илмий кенгашининг тегишли қарори, шунингдек ушбу Низомга иловага мувофиқ шакл бўйича катта илмий ходимлар-изланувчилар институти очилиши режалаштирилган мутахассисликлар бўйича тадқиқот олиб борувчи фан докторлари тўғрисидаги кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган маълумотлар тақдим этилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, олий таълим муассасаси ва илмий-тадқиқот муассасаси тасарруфида бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар муурожаат тушган ва барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан бошлаб бир ой муддатда катта илмий ходимлар-изланувчилар институтини очиш ёки очишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиладилар. Қабул қилинган қарор ўн кун муддатда тегишли олий таълим муассасасига ва илмий-тадқиқот муассасасига юборилади. Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтини очиш тўғрисидаги ижобий қарор-

нинг нухаси ахборот учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасига ҳам юборилади.

Мустақил изланувчилик институти катта илмий ходимлар-изланувчилар институти очилган олий таълим муассасаси ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳузурида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, ушбу олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасалари тизимига кирадиган вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг қарори билан ташкил этилади. Мустақил изланувчилик институтларини ташкил этиш катта илмий ходимлар-изланувчилар институтини ташкил этиш тартиби сингари тартибда амалга оширилади (бунда тегишли мутахассисликлар бўйича тадқиқот олиб бораётган фан докторлари тўғрисидаги маълумотларни тақдоран тақдим этиш талаб қилинмайди).

7. Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси республика олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради.

III. Катта илмий ходимлар-изланувчиларни ўқитишни ташкил этиш

8. Ҳар йили 1 майгача олимлар-фаол илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб бораётган, шу жумладан давлат илмий-техник дастурлари доирасида илмий-техник лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этаётган фан докторлари (кейинги ўринларда етакчи олимлар деб аталади) томонидан докторлик диссертацияларининг тавсия этиладиган мавзулари ишлаб чиқиладди, мавзулар олий таълим муассасаси кенгашида ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий кенгашида уларнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор вазифаларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилади.

9. Тавсия этиладиган докторлик диссертациялари мавзулари олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасаси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, ўзлари тизимига кирадиган тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан келишилади, кейинчалик ушбу мавзулар 15 майгача бўлган муддатда Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасига тақдим этилади.

Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси 1 июнгача бўлган муддатда тақдим этилган мавзуларни уларнинг давлат илмий-техник дастурларига мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқади, кейинчалик уларни докторлик диссертациялари мавзуларининг тавсия этилаётган маълумотлар базасига киритади. Тавсия этилаётган докторлик диссертациялари мавзуларининг маълумотлар базаси ҳар бир мавзу бўйича мавзуни ишлаб чиққан фан докторининг фамилияси, исми, отасининг исми ва иш жойи кўрсатилган ҳолда Қўмитанинг Интернет-саҳифасида эълон қилинади.

Зарурият бўлганда, Қўмита билан келишилган ҳолда, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг таклифлари асосида диссертация ишлари мавзулари ўзгартирилишига йўл қўйилади.

10. Катта илмий ходимлар-изланувчилар институти шаклида олий ўқув юртидан кейинги таълим олиш учун талабгорлар маълумотлар базасидан докторлик диссертациялари мавзуларини танлашлари, тадқиқот мавзуси бўйича илмий маърузани тайёрлашлари ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳасини тайёрлашлари зарур.

Талабгорда докторлик диссертацияси мавзуси бўйича ўзининг таклифлари мавжуд бўлган тақдирда, у тегишли олий таълим муассасаси кенгашига ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий кенгашига мурожаат қилади. Олий таълим муассасаси кенгаши ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий кенгаши мавзуни фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор вазибаларига мувофиқлиги юзасидан бир ой муддатда экспертизадан ўтказди, мавзуни тегишли равишда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, ўзлари тизимига кирадиган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан келишиб олади ҳамда катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига ҳужжатлар қабул қилиш эълон қилиниши муддатигача камида бир ойдан кечикмасдан Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасига диссертация иши мавзусини маълумотлар базасига киритиш тўғрисида таклиф юбордилар.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, ўз тасарруфида олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасаси бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ҳар йили 1 июнгача бўлган муддатда Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасига кейинги йилдан бошлаб катта илмий ходимлар-изланувчиларни давлат бюджет маблағлари ҳисобига ўқитиш учун қабул квотаси бўйича асосланган таклифлар билан мурожаат қиладилар.

12. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар бўйича ҳар йилги қабул квотаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланади ва 1 июлдан кечикмасдан тегишли равишда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, ўз тасарруфида олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасаси бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга юборилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ажратилган квоталарни идоравий мансуб олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасалари ва тегишли мутахассисликлар бўйича тақсимлайди. Тақсимланган квота тегишли олий таълим муассасаларига ва илмий-тадқиқот муассасаларига 1 августгача бўлган муддатда етказилади.

Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмита-

си тасдиқланган қабул квотаси асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига кейинги йилга бюджет буюртманомасини тақдим этади.

13. Олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасалари қабул квоталарига мувофиқ ҳар йили 1 сентябрдан кечикмасдан, катта илмий ходимлар-изланувчилар сифатида ўқиш учун талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилиш тўғрисида ҳужжатларни қабул қилиш муддатларини, талаб қилинадиган ҳужжатлар ва топшириладиган имтиҳонлар рўйхатини, ўқитиш ҳақини тўлаш шартларини (бюджетдан молиялаштириш, тўлов-контракт асосида ўқитиш) ва бошқа зарур шартларни кўрсатган ҳолда оммавий ахборот воситаларида эълон беради.

Ҳужжатлар 15 октябрь — 15 ноябрь даврида қабул қилинади.

14. Катта илмий ходимлар-изланувчилар сифатида ўқишга талабгорлар олий таълим муассасаси ва илмий-тадқиқот муассасасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

ариза;

маълумотнома;

меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси ёки Миллий хавфсизлик хизмати таълим муассасасининг магистратура дипломига тенглаштирилган дипломи ёхуд фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;

тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;

илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларига фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек уларнинг нусхалари;

талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;

етақчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги. Бунда тавсия этилган мавзулар базасидан танлаб олинган мавзу бўйича, қоидага кўра, ушбу Низомнинг 8-бандига мувофиқ ушбу мавзунини таклиф этган етакчи олим илмий консультант бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

15. Олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасида ректор (директор) раислик қиладиган қабул комиссияси ташкил этилади. Қабул комиссияси аъзолари ўқитиш мутахассисликлари бўйича етакчи олимлардан ректор (директор) томонидан тайинланади.

16. Катта илмий ходим-изланувчи сифатида ўқиш учун кираётган шахслар мутахассислик, Ўзбекистон тарихи, фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси, чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил бўйича) ва мутахассислик бўйича кириш имтиҳонлари топширадilar.

Кириш имтиҳонлари саволлари қабул комиссияси томонидан мутахассисликнинг моҳиятидан келиб чиқиб тузилади ва улар олий таълим муассасаси кенгаши ёки илмий-тадқиқот муассасаси илмий кенгаши томонидан тасдиқланади. Фаннинг тегишли йўналиши бўйича фан номзоди илмий даражасига эга бўлган талабгорлар кириш имтиҳонларини топширишдан озод қилинадilar.

Кириш имтиҳонлари 1 — 20 декабрь даврида бўлиб ўтади.

17. Қабул комиссияси 22 декабргача бўлган муддатда кириш имтиҳонлари натижаларидан ва ажратилган қабул квотасидан келиб чиқиб катта илмий ходимлар институтига қабул қилинганларни танлайди.

Бир неча талабгорларнинг кириш имтиҳонлари натижалари бўйича улар томонидан тўпланган якуний баллари тенг бўлган тақдирда қуйидаги талабгорларга:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиялари соҳибларига;

тегишли мутахассислик бўйича аъло баҳоли дипломга эга бўлганларга; мутахассислик бўйича имтиҳон натижаларига кўра кўп балл тўплаганларга;

ихтирога ёки селекция ютуғига (шу жумладан ҳаммуаллифликда) патентга эга бўлганларга устунлик берилади.

18. Танлаш натижалари қабул комиссияси мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади ва бир кун муддатда олий таълим муассасаси кенгаши ёки илмий-тадқиқот муассасаси илмий кенгашининг тасдиқлаши учун киритилади. Бунда олий таълим муассасаси кенгаши ёки илмий-тадқиқот муассасаси илмий кенгаши томонидан бир вақтнинг ўзида катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига кирганларнинг докторлик диссертацияси мавзулари тасдиқланади.

Тасдиқланган докторлик диссертациялари мавзулари «ОАК Бюлетени» журналида эълон қилиниши шарт.

19. Катта илмий ходимлар-изланувчиларни қабул қилиш олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасаси раҳбарининг тегишли кенгашларнинг танлаш натижаларини ва докторлик диссертациялари мавзуларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори асосида 25 декабргача чиқариладиган буйруғи билан амалга оширилади. Бунда янгидан қабул қилинган катта илмий ходимлар-изланувчилар фаолияти улар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ кейинги йилнинг 1 январидан бошланади.

Ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда илмий консультантлар ҳам белгиланади.

Катта илмий ходимлар-изланувчиларни ўқишга қабул қилиш ва уларнинг тасдиқланган мавзулари тўғрисидаги маълумот олий таълим муассасаси ёки

илмий-тадқиқот муассасаси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академиясига, тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасига жорий йилнинг 31 декабригача тақдим этилади.

20. Илмий консультант бир вақтнинг ўзида 3 нафардан кўп бўлган катта илмий ходимлар-изланувчиларга ва мустақил изланувчиларга илмий раҳбарлик қилиши мумкин эмас.

21. Катта илмий ходим-изланувчи илмий консультант билан биргаликда диссертация ишини тайёрлашнинг яқка тартибдаги режасини ишлаб чиқади ва у олий таълим муассасаси кенгаши ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий кенгашида катта илмий ходим-изланувчи ўқишга қабул қилингандан кейин бир ой муддатда тасдиқланади.

22. Илмий консультант танланган мутахассислик бўйича назарий-методологик курснинг ўқув режасини ишлаб чиқади ва у ҳам олий таълим муассасаси кенгашида ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий кенгашида катта илмий ходим-изланувчи ўқишга қабул қилингандан кейин бир ой муддатда тасдиқланади.

Назарий-методологик дастур методологиянинг умумий концепциясини ва масалаларини, фан бўйича назарий асосларни ва илмий тадқиқотлар усулларини ўз ичига олади. Назарий-методологик дастур катта илмий ходим-изланувчи томонидан ўқишнинг биринчи йили мобайнида илмий консультантнинг ёрдамида ўзлаштирилади.

23. Катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчиларнинг махсус билимларини ошириш мақсадида ўқишнинг кейинги йилларида олий таълим муассасаси кенгаши ёки илмий-тадқиқот муассасаси илмий кенгаши томонидан фан соҳаларига кўра ОАК томонидан белгиланадиган фанлар бўйича малака ўқув дастурлари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Малака ўқув дастурлари катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчилар томонидан мустақил ўзлаштирилади.

24. Катта илмий ходимлар-изланувчилар учун назарий ва илмий-тадқиқот ишларига юклама ҳажми ҳафтасига 36 соатни ташкил этади, ундан — кўпи билан 12 соати аудитория машғулоти учун ажратилиши мумкин.

25. Катта илмий ходим-изланувчига ўқишга қабул қилинган кундан бошлаб фан номзоди даражасига эга бўлган катта илмий ходим лавозим маошининг базавий миқдорига тенглаштирилган миқдорда лавозим маоши белгиланади.

26. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фан ва технологияларни ривожлантириш мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан тасдиқланган катта илмий ходимлар-изланувчиларни ўқишга қабул қилиш квоталари асосида тайёрланган харажатлар сметасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан таълим тармоғи бўйича олий ўқув юртида, фан тармоқлари бўйича илмий-тадқиқот муассасасига белгиланган тартибда тегишли маблағларни ажратади. Ушбу маблағлар ҳисобига таълим олувчиларга белгиланган тартибда лавозим маошларининг тегишли тўловлари амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Миллий хавфсизлик хизматининг олий таълим

муассасаларига қабул қилинган катта илмий ходимлар-изланувчиларнинг моддий таъминоти ҳарбий хизматчилар учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

27. Ўқишга қабул қилинган катта илмий ходимлар-изланувчиларга давлат бюджети маблағлари ҳисобига қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақи тўланадиган меҳнат таътили берилади.

Тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда катта илмий ходим-изланувчи сифатида ўқиш муддати узоқ вақт касал бўлиш, ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўлиш даврига, шунингдек ҳарбий йиғинларга чақирилиш муносабати билан узайтирилиши мумкин.

28. Катта илмий ходимлар-изланувчилар мутахассислик, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, чет тили, шунингдек фан соҳаларига қараб ОАК томонидан белгиланадиган фанлар бўйича мутахассисликка мувофиқ бўлган икки фан бўйича имтиҳонларни топширганларидан кейин докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишга қўйиладилар.

29. Докторлик диссертацияни ўқиш муддати тамом бўлишидан камида 6 ой муддатидан олдин ҳимоя қилган шахсларга олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига энг кам ойлик иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида мукофот тўланади.

30. Илмий консультантлар томонидан олий таълим муассасасида катта илмий ходимлар-изланувчилар билан олиб борилган иш ҳар бир катта илмий ходим-изланувчи учун бир йилда 100 соат ҳажмида уларнинг умумий ўқув соатларига киритилади.

Илмий-тадқиқот муассасасида илмий консультантларнинг катта илмий ходимлар-изланувчилар билан меҳнатига ҳақ тўлаш ўқув машғулоти ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлашнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар бир изланувчига бир йилда 100 соат ҳисобидан келиб чиқиб фан тармоғи учун ажратиладиган давлат бюджети маблағларидан ҳар ойлик асосида амалга оширилади.

Катта илмий ходимлар-изланувчилар-хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан илмий консультантлар меҳнатига ҳақ тўлаш ўқиш учун тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

31. Диссертация ишини ўқиш муддати тамом бўлишидан камида 6 ой муддатидан олдин ҳимоя қилган катта илмий ходим-изланувчининг илмий консультантига олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига энг кам ойлик иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида мукофот тўланади.

32. Катта илмий ходимлар-изланувчиларнинг ўқиш муддати улар ишининг умумий стажига қўшилади.

IV. Катта илмий ходимлар-изланувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини олиб бориш

33. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, ўз тасарруфида олий ўқув юрти ва илмий-тадқиқот муассасасига эга бўлган ва-

зирликлар ва идоралар ва ташкилотлар Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси билан биргаликда катта илмий ходимлар-изланувчиларнинг олий таълим муассасаси ва илмий-тадқиқот муассасасидаги фаолияти самарадорлиги мониторингини олиб борадилар.

34. Катта илмий ходимлар-изланувчилар фаолияти самарадорлиги мониторинги қуйидаги мезонлар бўйича амалга оширилади:

а) ўқишнинг биринчи йилида:

диссертация мавзуси бўйича якка тартибдаги режанинг мавжудлиги ва унинг бажарилиши;

мутахассислик бўйича назарий курсдан ўтиш;

диссертация мавзуси бўйича камида битта илмий мақола эълон қилинганлиги;

диссертация мавзуси бўйича илмий конференцияда ёки семинарда (дав-ра сухбатида) маъруза билан чиқиш;

диссертация мавзуси бўйича таҳлилий умумлаштирувчи қисқача маълумот;

диссертация мавзуси бўйича таҳлилий умумлаштирувчи қисқача маълумот натижалари бўйича семинарда сўзга чиқиш (раҳбар билан биргаликда);

б) ўқишнинг иккинчи йилида:

мутахассислик бўйича назарий курсдан ўтиш;

диссертация мавзуси бўйича камида иккита илмий мақола эълон қилинганлиги;

диссертация иши материаллари бўйича камида иккита тезис мавжудлиги;

диссертация ишининг дастлабки натижалари бўйича семинар ўтказиш (мустақил равишда);

конференция ёки семинарда маъруза билан қатнашиш (камида бир марта);

диссертация мавзуси бўйича якка тартибдаги режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот;

в) ўқишнинг учинчи йилида:

мутахассислик бўйича назарий курсдан ўтиш;

диссертация мавзуси бўйича камида учта илмий мақола эълон қилинганлиги (улардан бири — чет элда);

диссертация иши материаллари бўйича камида учта тезис мавжудлиги (улардан бири — чет элда);

диссертация иши натижалари бўйича семинар ўтказиш (мустақил равишда);

диссертация мавзуси бўйича конференция ёки семинарда маъруза билан қатнашиш (камида бир марта);

якка тартибдаги режанинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот;

ОАК талабларига мувофиқ эълон қилинган илмий ишлар мавжудлиги;

ОАК талабларига мувофиқ тайёрланган диссертация иши.

Катта илмий ходимлар-изланувчилар диссертацияни химоя қилишгача ОАКнинг тегишли талабларига жавоб берадиган миқдорда эълон қилинган илмий ишларга эга бўлиши керак. Ижтимоий-гуманитар ва иқтисодий фанлар бўйича диссертация натижалари бўйича монография эълон қилиниши керак.

Катта илмий ходимлар-изланувчилар диссертацияни химоя қилишгача таълим муассасаларида ўқишнинг бутун даврида камида 300 соат ҳажмида педагогик иш тажрибасига эга бўлишлари керак.

35. Катта илмий ходимлар-изланувчилар якка тартибдаги режалар ба-жарилмаганда, олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасининг ички тартиби ва қоидалари бузилганда катта илмий ходимлар-изланувчилар лавозимидан озод этилишлари мумкин. Ушбу сабабларга кўра ўқишдан чет-латилган шахслар ўқишга тикланмайди.

36. Мунтазам равишда (қаторасига икки марта) докторлик диссертация-ларини химоя қилиш бўйича тегишли кенгашларга катта илмий ходимлар-изланувчилар томонидан диссертация ишлари ўз вақтида тақдим этилиши-ни таъминламаган илмий консультантлар олий таълим муассасаси ёки ил-мий-тадқиқот муассасасининг илмий кенгаши қарори билан уч йилгача бўлган даврга илмий маслаҳат беришдан четлатиладилар.

37. Мониторинг якунлари олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасининг тегишли илмий кенгашларида кўриб чиқилади. Кенгашлар-нинг тавсияси бўйича катта илмий ходимлар-изланувчиларнинг якка тартиб-даги режасига ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Илмий консультантлар фаолиятини назорат қилиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, ўз тасарруфида олий таълим муассасаси ва илмий тадқиқот муассасасига эга вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

V. Мустақил изланувчилик тартибида илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш

38. Мустақил изланувчиликка бакалавр ёки магистр даражасига, ёки фан номзоди илмий даражасига, ёки олий ҳарбий маълумотга, ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий таълим тўғрисидаги диплома-га, камида беш йил амалий иш стажига эга бўлган, илмий изланишларга лаёқати бўлган ва муайян илмий ютуқларга эга бўлган (ихтиро учун патент-лар, эълон қилинган илмий материалларга эга бўлган, илмий-технологик ишланмаларда иштирок этган ва ҳоказо), белгиланган талабларга мувофиқ бўлган шахслар расмийлаштириладилар.

39. Олий таълим муассасаси ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳар йили 1 сентябрдан кечикмай мустақил изланувчиликка талабгорлар ҳужжатлари-ни қабул қилиш бошланиши тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон берадилар. Ҳужжатлар 15 октябрь — 15 ноябрь мобайнида қабул қилинади.

Мустақил изланувчиликда талабгор қуйидаги ҳужжатларни илова қил-ган ҳолда ариза билан олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муасса-сасига мурожаат қилади:

иш жойидан тавсифнома;

маълумотнома;

олий таълим ёки фан номзоди тўғрисидаги дипломнинг нусхаси;

меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

талабгорнинг илмий ва илмий-тадқиқот фаолиятга лаёқати юзасидан тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;

илмий ишлар ва илмий ҳисоботлар (патентлар) рўйхати.

40. Талабгорлар мустақил изланувчиликка ҳар йили 25 декабр гача, мутахассислик бўйича суҳбат натижалари ва тегишли кафедра (бўлим, лаборатория)нинг хулосаси бўйича олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасаси раҳбарининг буйруғи билан, шунингдек таълимнинг ўрганилган олдинги даражасида чет тили бўйича имтиҳон натижаси бўйича расмийлаштирилади.

41. Мустақил изланувчиларни сифатли тайёрлашни таъминлаш, шунингдек уларга илмий ва ўқув-методик ёрдам бериш мақсадида мустақил изланувчиларни қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда уларнинг етакчи олимлардан илмий консультантлари белгиланади.

42. Мустақил изланувчилар улар расмийлаштирилгандан кейин бир ой муддатда илмий раҳбар билан келишган ҳолда олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий кенгашига докторлик диссертациясини тайёрлашнинг яқка тартибдаги иш режаларини тасдиқлаш учун тақдим этадилар.

43. Изланувчиларнинг диссертациялари мавзулари улар расмийлаштирилгандан кейин уч ой мобайнида олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий кенгашида тасдиқланиши керак.

44. Илмий консультант танланган мутахассислик бўйича назарий-методологик дастурининг ўқув режасини ишлаб чиқади. Ўқув режаси ҳам мустақил изланувчи расмийлаштирилгандан кейин бир ой муддатда олий таълим муассасаси кенгаши ёки илмий-тадқиқот муассасаси илмий кенгашида тасдиқланади.

Назарий-методологик дастур ушбу фан бўйича умумий концепцияни ҳамда илмий-тадқиқотларнинг методологияси, назарий асослари ва усулларини ўз ичига олади. Назарий дастур мустақил изланувчи томонидан илмий консультант ёрдамида ўқишнинг биринчи йили мобайнида ўзлаштирилади.

Кейинги йилларида олий таълим муассасаси кенгаши ёки илмий-тадқиқот муассасаси илмий кенгаши томонидан фан соҳаларига қараб ОАК томонидан белгиланадиган фанлар бўйича малака ўқув дастурлари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Малака ўқув дастурлари мустақил изланувчилар томонидан мустақил ўзлаштирилади.

45. Мустақил изланувчилар учун назарий ва илмий-тадқиқот ишларига ўқув юкмаси ҳажми ҳафтасига 12 соатни ташкил этади, ундан — кўпи билан 4 соати аудитория машғулотлари учун ажратилиши мумкин.

46. Мустақил изланувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини олиб бориш тартиби ушбу Низомнинг 34-банди талабларига ўхшаш.

Мониторинг яқунлари олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасининг тегишли илмий кенгашларида кўриб чиқилади. Кенгашларнинг тавсияси бўйича мустақил изланувчиларнинг яқка тартибдаги режасига ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Илмий консультантлар фаолиятини назорат қилиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар ака-

демияси, ўз тасарруфида олий таълим муассасаси ва илмий тадқиқот муассасасига эга вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Якка тартибдаги режаларни мунтазам равишда бажармайдиган ва олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот ички қоидаларини бузувчи мустақил изланувчилар изланувчиликдан четлатилиши мумкин.

47. Якка режаларни муваффақиятли бажарган ва мутахассислик, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, чет тили, шунингдек фан соҳаларига қараб ОАК томонидан белгиланадиган фанлар бўйича малака имтихонларини топширган мустақил изланувчилар диссертацияни ҳимоя қилишга қўйиладилар.

Мустақил изланувчилар диссертацияни ҳимоя қилишгача ОАКнинг тегишли талабларига жавоб берадиган миқдорда эълон қилинган илмий ишларга эга бўлиши керак. Шу билан бирга, ижтимоий-гуманитар ва иқтисодий фанлар бўйича диссертация натижалари бўйича монография эълон қилиниши керак.

48. Илмий консультантлар томонидан олий таълим муассасасида мустақил изланувчилар билан ишлаш уларнинг ўқув юкламаси умумий ҳажмига киритилади ва ҳар ойлик асосида ҳар бир изланувчи учун бир йилга 50 соат ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағларидан ҳақ тўланади.

Илмий тадқиқот муассасасида илмий консультантларнинг мустақил изланувчилар билан меҳнатига ҳақ тўлаш ҳар ойлик асосида ўқув машғулотлари ўтказилганлиги учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлашнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида ҳар бир изланувчига бир йилда 50 соат ҳисобидан ушбу муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағларидан амалга оширилади.

Илмий консультантларнинг мустақил изланувчилар — хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан меҳнатига ҳақ тўлаш ўқишга тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

49. Катта илмий ходим-изланувчи сифатида ўқиган, бироқ диссертация ҳимоя қилмаган шахсга мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга рухсат берилмайди.

50. Бир неча олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасида бир вақтнинг ўзида мустақил изланувчиликка йўл қўйилмайди.

VI. Тўлов-контракт асосида олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш

51. Хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига қабул қилиш қонун ҳужжатларига ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ олий ўқув юртидан кейинги таълимга қабул квоталаридан ортиқча тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

52. Тўлов-контракт асосида олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширишда шу жумладан илмий консультантлар меҳнатига ҳақ тўлаш, тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олувчи ўқиш учун ҳақ тўлаш миқдори, шунингдек уни тўлаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда манфаатдор томонлар ўртасида тузиладиган шартнома билан белгиланади. Шартномада, шунингдек катта илмий ходимлар-изланувчининг лавозим маошини ва ўқиш учун ҳақ тўлаш миқдорини аниқлашда ҳисобга олинadиган улар билан боғлиқ ижтимоий ажратмалар билан биргаликда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловларни тўлаш назарда тутилиши мумкин.

VII. Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги ҳужжат

53. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган олий ўқув юртидан кейинги таълим талабларини бажарган ва фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган шахсларга белгиланган тартибда давлат намунасидаги фан доктори дипломи берилади.

54. Фан докторларининг илмий тадқиқотлар натижаларини ўқув жараёнига жорий этган ҳолда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашдаги иштироки уларнинг илмий-педагогик ва жамоат фаолиятининг муҳим жиҳати сифатида қаралади ва ҳисобга олинади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

5-модда

Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтини очиш режалаштирилаётган _____
_____ да ишловчи
(олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасининг номи)

_____ мутахассислиги бўйича фан докторлари тўғрисида
(мутахассислик шифри ва номи)

МАЪЛУМОТЛАР

Ф.И.О.	Туғилган йили	Мутахассислик шифри ва номи, докторлик диссертацияси номи	Илмий даражаси, унвони	Иш жойи ва лавозими	Охириги 5 йилда мутахассислик бўйича асосий илмий ишлари (монографиялар, мақолалар) рўйхати

— 48 —

Раҳбар

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)


М.Ў.

Сана « _____ » йил « _____ » _____

1 (553)-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 28 декабрдаги 365-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Олий аттестация комиссияси аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг умумий сони — 20 нафар.

Улардан: бошқарув ходимлари — 16 нафар;

ёрдамчи ходимлар — 4 нафар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 28 декабрдаги 365-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Олий аттестация комиссияси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (кейинги ўринларда ОАК деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 31 мартдаги ПФ-371-сон Фармони билан ташкил этилган ва олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш масалалари бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади.

ОАК ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

2. ОАК ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига ва ушбу Низомга амал қилади.

3. ОАК ўз фаолиятини давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

4. Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ОАК фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

5. ОАК юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

II. ОАКнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар ОАКнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда бажарилишини таъминлаш;

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ушбу фаолиятни ташкил этиш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

докторлик диссертацияси ишларига ҳамда фан доктори илмий даражаси ва илмий унвонлар талабгорларига талабларнинг ягоналигини таъминлаш;

илмий ва илмий-педагог кадрларнинг сифат таркибини яхшилашга, жамият ва давлат эҳтиёжларини, фан, таълим, техника ва технологияларни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда илмий ва илмий-педагог кадрлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга кўмаклашиш;

ортиқча бюрократик жараёнларни йўқотишга йўналтирилган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизими-ни доимий равишда такомиллаштириш;

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказишнинг барча босқичларида ОАК фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш;

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказишнинг барча босқичларида холисликни таъминлаш;

фан доктори илмий даражаси ва илмий унвонларга қўйиладиган малака талабларининг халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлаш.

7. ОАК ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш ишида халқаро ҳамкорлик бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида республика Фанлар академияси, вазирликлари, идоралари, илмий ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

талабгорларнинг илмий ва илмий-педагогик ишларни олиб боришга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовлари натижалари асосида фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотлари мавзуларини мувофиқлаштиради, мониторингини олиб боради, шунингдек уларни рўйхатдан ўтказиш;

катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчи институтлари томонидан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш сифатининг тизимли мониторингини олиб боради;

фан доктори илмий унвонини бериш бўйича илмий кенгашлар ва эксперт кенгашлар ишини шакллантириш ва ташкил этиш тартиби бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, фан доктори илмий даражаси ва илмий унвонлар тўғрисидаги низомни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди;

вазирликлар ва идоралар, Фанлар академиясининг илтимосномалари бўйича олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳузурида фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгашларни ташкил этади, уларнинг шахсий таркибини тасдиқлайди, илмий кенгашларга диссертацияларни ҳимояга қабул қилиш ҳуқуқини берувчи илмий мутахассисликлар рўйхатини белгилайди;

фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгашлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширади ва улар иши мониторингини олиб боради, эксперт кенгашларнинг таклифлари асосида уларнинг фаолиятини тўхтатиб туради ёки тўхтатади;

докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон

қилиш учун тавсия этиладиган етакчи илмий журналлар ва нашрлар, шу жумладан электрон илмий-техник журналлар рўйхатини белгилайди;

манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда фан, техника, таълим ва маданиятни ривожлантириш йўналишлари бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар мутахассисликлари турларини такомиллаштириш ишларини олиб боради;

фан доктори илмий даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияларнинг давлат экспертизасини ўтказиши;

тегишли илмий кенгашнинг фан доктори илмий даражасини бериш тўғрисидаги қарорини тасдиқлайди, олий таълим муассасалари кенгашлари ёки илмий-тадқиқот муассасалари илмий кенгашлари тақдимномаси бўйича профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларини беради;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва ишлайдиган хорижий мамлакатлар фуқароларига хорижий мамлакатлар аттестация органлари томонидан берилган фан доктори илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжатларни нострификация (эквивалентликни аниқлаш) қилади;

давлат намунасидаги фан доктори дипломларини, профессор, доцент ва катта илмий ходим аттестатларини расмийлаштиради;

ОАКга тушадиган апелляциялар, таклифлар, аризалар ва шикоятларни кўриб чиқади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига мувофиқ режалаштириладиган докторлик диссертацияси тадқиқотлари мавзуларини мувофиқлаштириш ва докторлик диссертацияси тадқиқотларини муҳокама қилиш учун фан тармоқлари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар ташкил этади;

ҳимоя қилинган диссертация ишларини таҳлил қилади ва республика вазирликларига, идораларига натижалари диссертация ишларида баён қилинган илмий тадқиқотлар бажарилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг диссертация ишлари натижаларини амалиётга жорий этиш мумкинлиги тўғрисидаги тегишли тавсиялар билан биргаликда юборилишини таъминлайди;

ОАК ваколатига тегишли масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан халқаро шартномалари лойиҳаларини тайёрлашда қатнашади;

ўзига юкланган вазифалар доирасида хорижий мамлакатларнинг аттестация органлари билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатади ва уни амалга оширади ҳамда белгиланган тартибда ахборот айирбошлашни ташкил этади.

III. ОАКнинг ҳуқуқлари ва вазифалари

8. ОАК ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Фанлар академияси, вазирликлар, идоралар ва ташкилотлардан ўзига

юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборот ва материалларни белгиланган тартибда олиш;

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш масалалари бўйича давлатлараро музокараларда иштирок этиш;

эксперт кенгашларнинг қарорлари асосида фан доктори илмий даражасини бериш бўйича бир марталик илмий кенгашлар ташкил этиш ва уларнинг ишини назорат қилиш;

ОАК Раёсати мажлисларида иш тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш мақсадида фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгашлар ва эксперт кенгашлар раисларининг ҳисоботларини эшитиш;

диссертация ишларини илмий экспертизадан ўтказиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгашлар фаолиятини текшириш учун юқори малакали мутахассисларни жалб этиш. Фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгашлар фаолиятини текширишда қатнашиш, оппонент ва тақризчи функцияларини бажариш даврида жалб этиладиган олимлар ва мутахассислар доимий иш жойларидаги иш ҳақи сақланган ҳолда ўз хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилади;

малака имтиҳонлари рўйхатини белгилаш ва уларнинг ташкил этилиши ва савиясини назорат қилиш;

фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгашлар ишлаб турган ташкилотлардан белгиланган тартибда ҳар йилги ҳисоботларни ҳамда республикада олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва тадбирларни амалга ошириш учун вазирликлар ва идоралардан зарур ахборотни олиш;

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш, диссертация тадқиқотларининг сифати илмий ва амалий аҳамиятини ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун идоралараро кенгашларни белгиланган тартибда чақириш;

ўзига юкланган вазифалар ва функциялар доирасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар, кенгашлар, конференциялар ишида қатнашиш;

диссертацияларга қўйиладиган талабларга мувофиқ фан ва иқтисодиёт тармоқлари учун аҳамияти юзасидан қўшимча хулоса олиш мақсадида диссертация ишларини зарур ҳолларда фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгашларга юбориш;

олий таълим муассасалари ёки илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва тегишли кенгашларининг тавсияларига биноан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни илмий даражалар ва илмий унвонлардан белгиланган тартибда маҳрум қилиш ёки уларни тиклаш.

9. ОАК ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни белгиланган тартибда қабул қилиш ҳуқуқига эга.

10. ОАК зарур ҳолларда бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатларни чиқариш ҳуқуқига эга.

11. ОАК ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни ушбу Низомга мувофиқ бажаришга мажбур, республикада олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимининг ҳолати ва уни такомиллаштириш юзасидан жавоб беради.

IV. ОАК фаолиятини ташкил этиш

12. ОАКга Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган раис бошчилик қилади.

ОАКнинг Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бош илмий котиби бўлади. Бош илмий котибнинг вазифалари ОАК раиси томонидан белгиланади.

13. ОАКнинг аппарати унинг ижро этувчи органи ҳисобланади, ОАК аппаратининг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

14. ОАК раиси:

ОАК ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда ОАКга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавоб беради;

ОАКнинг эксперт кенгашлари, бўлимлари ва бошқа бўлинмалари фаолиятини йўналтиради ва назорат қилади;

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш масалалари бўйича ўз ваколатлари доирасида ОАК қарорларини, илмий даража бериш тўғрисидаги дипломларни ва илмий унвонлар бериш тўғрисидаги аттестатларни имзолайди;

ОАК аппаратининг ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

ОАК аппарати таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

ОАК аппарати ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

зарурият бўлганда ходимларнинг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида аппарат тузилмасига ўзгартиришлар киритади, ОАК аппаратининг штат жадвалини, шунингдек ОАК аппарати харажатлар сметасини тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз ваколатлари доирасида бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. ОАК раиси, бош илмий котиб ҳамда фаннинг асосий йўналишлари бўйича фан, техника, таълим ва маданият соҳасидаги етакчи олимлар ва мутахассислардан иборат бўлган Раёсат ОАКнинг раҳбарлик қилувчи ижро этувчи органи ҳисобланади. Раёсатнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Раёсат ишига ОАК раиси раҳбарлик қилади.

Зарурият бўлганда ОАК раиси Раёсат аъзолари таркибини қисман ўзгартириш бўйича таклифни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади.

ОАК Раёсати раҳбарлик қилувчи ижро этувчи орган сифатида қуйидаги функцияларни бажаради:

фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгашлар ташкил этиш тартибини ишлаб чиқади, илмий кенгашлар тузишга рухсатномалар беради, уларнинг шахсий таркибини тасдиқлайди, уларга тегиши мутахассисликлар бўйича диссертация ишларини кўриб чиқиш ҳуқуқини беради;

эксперт кенгашлар ташкил этиш тўғрисида қарорлар чиқаради;

илмий кенгашларнинг илмий даража бериш тўғрисидаги қарорларини тасдиқлайди ҳамда илмий унвон бериш тўғрисида қарор қабул қилади;

фан доктори илмий даражаси бериш бўйича илмий кенгашлар раисларининг ва илмий унвонлар бериш бўйича кенгашлар раисларининг ишлари тўғрисида ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб боради;

илмий йўналишлар бўйича бош инспекторларнинг илмий даража бериш, шу жумладан ҳимоя қилинган докторлик диссертациялари бўйича аттестация йиғмажилдларининг, шунингдек илмий унвонлар бериш бўйича аттестация йиғмажилдларининг ОАК талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади;

ўз ваколатлари доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлайди;

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этади.

16. Бош илмий котиб ҳимоя қилинган докторлик диссертацияларининг ОАК талабларига мувофиқлиги юзасидан жавоб беради ва қуйидаги илмий йўналишлар бўйича таркибига 6 нафар бош инспекторлар кирадиган Котибият фаолиятига раҳбарлик қилади:

физика-математика фанлари;

кимё, биология ва геология-минерология фанлари;

техника фанлари;

қишлоқ хўжалиги фанлари;

ижтимоий фанлар (тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, ҳуқуқшунослик, педагогика фанлари);

тиббиёт ва психология фанлари (тиббиёт, фармацевтика, ветеринария, психология фанлари).

Ҳар бир бош инспектор тегишли илмий йўналишлари бўйича ҳимоя қилинган докторлик диссертацияларининг ОАК талабларига мувофиқлиги юзасидан жавоб беради ва ОАК Раёсати мажлисида белгиланган тартибда ҳисобот беради.

17. ОАК Раёсати аъзолари, шунингдек аппарат ходимлари ОАК эксперт кенгашлари ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгашлар аъзолари бўлиши мумкин эмас.

18. ОАК Раёсатининг мажлиси унинг фаолиятининг ташкилий шакли

ҳисобланади. ОАК Раёсати мажлиси, агар унда унинг аъзоларининг оддий кўпчилиги қатнашса, ҳуқуқий ваколатли ҳисобланади.

19. ОАК Раёсати қарорлари очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва, агар унинг учун мажлисда қатнашувчи ОАК Раёсати аъзоларининг оддий кўпчилиги овоз берса қабул қилинган ҳисобланади.

20. ОАК Раёсати қарорлари қарорлар шаклида расмийлаштирилади ҳамда ОАК раиси, бош илмий котиб ва ОАК аппаратининг масъул ходимлари томонидан имзоланади.

21. ОАК Раёсати мажлислари баённомалари расмийлаштирилади ҳамда ОАК раиси ва бош илмий котиб томонидан имзоланади.

22. ОАК Раёсати аъзолари мажлис бошлангунга қадар кун тартиби ва мажлисда кўриб чиқиладиган барча материаллар билан танишишлари керак. ОАК Раёсатида кўриб чиқиш учун киритилган масалалар эксперт кенгаш фикри ҳисобга олинган ҳолда ҳар томонлама ва моҳиятига кўра муҳокама қилиниши керак.

23. ОАК Раёсати ва эксперт кенгаши фикри фарқ қилган ҳолларда кўриб чиқилаётган масала бўйича материаллар такроран кўриб чиқиш учун эксперт кенгашга қайтарилади. ОАК Раёсати ва эксперт кенгаши фикри иккинчи марта фарқ қилган тақдирда масала ОАК Раёсати томонидан ташкил этиладиган камида беш кишидан иборат келишув комиссиясида кўриб чиқилади. Келишув комиссияси таркибига ОАК Раёсати, эксперт кенгаши аъзолари ва ушбу масалани кўриб чиқишнинг барча босқичларида илгари қатнашмаган мутахассис олимлар киради. Келишув комиссиясининг ҳулосаси ОАК Раёсати томонидан кўриб чиқилади ва узил-кесил қарор қабул қилинади.

24. ОАК Раёсати мажлиси бир ойда бир марта ўтказилади. Зарур ҳолларда ОАК Раёсатининг навбатдан ташқари мажлислари ўтказилиши мумкин.

25. Юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни аттестациядан ўтказишга тааллуқли аттестация йиғмажилдлари ва бошқа ҳужжатлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида, шунингдек ОАК фаолиятининг коллегиял қарорни ва унинг бажарилиши юзасидан назоратни талаб этадиган жорий масалаларини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун ОАК раиси, бош илмий котиб, илмий йўналишлар бўйича бош инспекторлар, шунингдек ОАК бўлимлари бошлиқларидан иборат таркибда ОАКнинг Тартиб-қоида комиссияси ташкил этилади.

26. Тақдим этилган докторлик диссертацияларини, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятини илмий экспертизадан ўтказиш, фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгашлар ишини ва аттестация ўтказишда талабларнинг ягоналиги таъминланишини назорат қилиш, илмий даража бериш ва илмий унвонлар бериш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш, шунингдек ОАК Раёсатига тавсиялар тайёрлаш учун фан, техника, таълим ва маданият соҳасидаги етакчи олимлар ва мутахассислардан фан йўналишлари бўйича эксперт кенгашлар ташкил этилади.

Эксперт кенгашлар олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, илмий ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, бошқа ташкилотлар, манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг тавсиялари ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилади ҳамда кейинчалик таркибининг камида учдан бир қисми янгиланган ҳолда ОАК Раёсати томонидан уч йил муддатга тасдиқланади.

27. Олимлар ва мутахассисларнинг илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизими ишида қатнашиши уларнинг ижтимоий-илмий фаолиятининг муҳим жиҳати сифатида қаралади ва ҳисобга олинади.

Эксперт кенгашлар аъзолари, оппонентлар ва тақризчилар, шунингдек жалб этиладиган мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

28. ОАК олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш масалалари бўйича «ОАК Бюллетени» журналини нашр этади. «ОАК маълумотномаси» журналида изланувчиларнинг диссертация тадқиқотлари мавзулари, диссертация аннотацияси билан биргаликда докторлик диссертациялари ҳимоя қилиниши, талабгорларга фан доктори илмий даражаси берилиши ҳамда илмий унвонлар берилиши тўғрисидаги ахборот ва бошқа маълумотлар ҳам берилади. «ОАК Бюллетени» журнали ўз харажатларини ўзи қоплаш асосида нашр этилади.

29. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказишда очиклик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида ОАК фаолияти масалалари ОАК веб-сайтида ва «ОАК Бюллетени» журналида ёритилади.

Бундан ташқари, ОАК веб-сайтида фан доктори илмий даражаси ва илмий унвонлар талабгорларининг аттестация йиғмажилдларининг ўтиши, шу жумладан уларнинг норматив-ҳуқуқий экспертизадан ўтиши натижалари, кейинчалик уларнинг илмий экспертизага берилиши ва унинг тугалланиши, шунингдек ОАК Раёсатида яқуний қарорлар қабул қилиш учун аттестация йиғмажилдларини кўриб чиқиш муддатлари тўғрисидаги ахборотлар жойлаштирилади. Ушбу қарор шунингдек ОАК веб-сайтида Раёсат мажлисидан кейин 7 кун мобайнида жойлаштирилади.

ОАК веб-сайти заруриятга қараб, лекин ҳафтада камида бир марта янгиланади.

30. Бўлажак докторлик диссертациялари ҳимоялари, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари, ОАК веб-сайти ва «ОАК маълумотномаси» журнали орқали, шунингдек авторефератнинг тўлиқ матнини Фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгашнинг веб-сайтида ва Интернет тармоғининг бошқа ахборот-ресурс порталларида жойлаштириш йўли билан хабар берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 28 декабрдаги 365-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Олий ўқув юртидан кейинги таълим
тўғрисидаги ҳужжатнинг давлат намунаси
(тасвири)**

Ўзбекистон Республикаси герби

**O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
OLIY ATTESTATSIYA KOMISSIYASI**

**SUPREME ATTESTATION COMMISSION
at the Cabinet of Ministers
of the Republic of Uzbekistan**

1 (553)-сон

— 59 —

5-модда

The Supreme Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan

based on the decision of the

.....

hereby confers the scientific degree of

DOCTOR OF SCIENCES

in

to

00 № 000000 Date: , , records

Chairman

*Chief Scientific
Secretary*

T a s h k e n t

Reg. №

5-модда

— 60 —

1 (553)-сон

O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi

.....

ilmiy kengashining qaroriga asosan

.....

.....

FANLARI DOKTORI

ilmiy darajasini berdi.

00 № 000000 Sana: , ,-son bayonnoma

Rais

*Bosh ilmiy
kotib*

T o s h k e n t

Qaydnoma

Фанлар доктори дипломи

Фанлар доктори дипломи яшил-хаворанг рангли махсус қоғозда тайёрланган ва 135 x 105 мм ўлчамга эга. Бланка юза томонининг юқори қисмидаги 26 мм ва 24 мм диаметрли кўк рангли концентрик айланаларда 20 мм диаметрли рангли Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлашган. Пастки қисмида ўзбек тилида лотин шрифтида ва инглиз тилида кўк ҳарфлар билан қуйидагилар ёзилган:

**O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
OLIV ATTESTATSIYA KOMISSIYASI****SUPREME ATTESTATION COMMISSION
at the Cabinet of Ministers
of the Republic of Uzbekistan**

Бланка ички бетининг чап томони марказида 70 мм диаметрли фонли Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлашган. Ўртаси бўйлаб тўқсариқ фонли полоса ўтган. Иккала бет ҳам 1,5 x 1,5 мм ва 2 x 2 мм ўлчамли растрли сеткалардан иборат бўлади. Инглиз тилидаги матн қора рангли ҳарфларда, дипломнинг тартиб рақами эса — қизил рангли рақамларда босилган.

Бланка ички бетининг ўнг томони марказида 70 мм диаметрли фонли Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлашган. Ўртаси бўйлаб тўқсариқ фонли полоса ўтган. Иккала бет ҳам 1,5 x 1,5 мм ва 2 x 2 мм ўлчамли растрли сеткалардан иборат бўлади. Ўзбек тилидаги матн лотин шрифтида қора рангли ҳарфларда, дипломнинг тартиб рақами эса — қизил рангли рақамларда босилган.

Дипломнинг иккала бетига ҳам диплом сериясининг иккита белгили рақамлари ва диплом тартиб рақамининг олти белгили рақамлари босилади.

Диплом химоялашнинг 7 та даражасига эга:

- 1) иккита босма методларидан фойдаланиш: асосий қисми — офсет усулида, рақамлари — юқори босма усулида босилади;
- 2) кўпайтириш техникасида нусха кўчиришни қийинлаштирадиган оч тусли бўёқлардан фойдаланиш;
- 3) турли шаклдаги растрли сеткалардан фойдаланиш;
- 4) турли шаклдаги растрли сеткалардан фойдаланиш натижасида янги ранглар ҳосил бўлиши;
- 5) махсус қоғоздан фойдаланиш;
- 6) Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли тасвири;
- 7) олти шаклларда ўзгарадиган рақамлардан фойдаланиш.

The Supreme Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan based on the decision of the

Council of the Tashkent State Technical University

hereby confers the scientific degree of

DOCTOR OF SCIENCES

TECHNICS

in

Olim O. Olimov

to

00 № **0000000** Date: xxxxxxxx, xxxxxxxx, records xxx

Chairman

Chief Scientific

Secretary

T a s h k e n t

Reg. №

O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi

Toshkent davlat texnika universitetidagi

ilmiy kengashining qaroriga asosan

Olim Olimovich Olimovga

TEXNIKA

FANLARI DOKTORI

ilmiy darajasini berdi.

00 № **0000000** Sana: xxxxxxxx, xxxxxxxx, xxx-son bayonnoma

Rais

Bosh ilmiy

kotib

T o s h k e n t

Qaydnoma №

**Илмий унвонлар бериш тўғрисидаги
аттестатларнинг давлат намуналари
(тасвири)**

Ўзбекистон Республикаси герби

**O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
OLIIY ATTESTATSIYA KOMISSIYASI**

**SUPREME ATTESTATION COMMISSION
at the Cabinet of Ministers
of the Republic of Uzbekistan**

5-модда

— 64 —

1 (553)-сон

The Supreme Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan

upon the recommendation of the

.....

hereby awards the scientific title of

PROFESSOR

of

to

00 № 000000 Date: , , records.....

Chairman

*Chief Scientific
Secretary*

T a s h k e n t

Reg. №

1 (553)-сон

— 65 —

5-модда

O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi

.....
ilmiy kengashining tavsiyasiga ko'ra

.....
..... bo'yicha

PROFESSOR

ilmiy unvonida tasdiqladi.

00 № 000000

Sana: , ,-son bayonnoma

Rais

*Bosh ilmiy
kotib*

T o s h k e n t

Qaydnoma

Профессор аттестати

Профессор аттестати яшил-хаворанг рангли махсус қоғозда тайёрланган ва 135 x 105 мм ўлчамга эга. Бланка юза томонининг юқори қисмидаги 26 мм ва 24 мм диаметрли кўк рангли концентрик айланаларда 20 мм диаметрли рангли Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлашган. Пастки қисмида ўзбек тилида лотин шрифтида ва инглиз тилида кўк ҳарфлар билан қуйидагилар ёзилган:

**O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
OLIY ATTESTATSIYA KOMISSIYASI****SUPREME ATTESTATION COMMISSION
at the Cabinet of Ministers
of the Republic of Uzbekistan**

Бланка ички бетининг чап томони марказида 70 мм диаметрли фонли Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлашган. Ўртаси бўйлаб тўқсариқ фонли полоса ўтган. Иккала бет ҳам 1,5 x 1,5 мм ва 2 x 2 мм ўлчамли растрли сеткалардан иборат бўлади. Инглиз тилидаги матн қора рангли ҳарфларда, аттестатнинг тартиб рақами эса — қизил рангли рақамларда босилган.

Бланка ички бетининг ўнг томони марказида 70 мм диаметрли фонли Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлашган. Ўртаси бўйлаб тўқсариқ фонли полоса ўтган. Иккала бет ҳам 1,5 x 1,5 мм ва 2 x 2 мм ўлчамли растрли сеткалардан иборат бўлади. Ўзбек тилидаги матн лотин шрифтида қора рангли ҳарфларда, аттестатнинг тартиб рақами эса — қизил рангли рақамларда босилган.

Аттестатнинг иккала бетига аттестат сериясининг иккита белгили рақамлари ва аттестат тартиб рақамининг олтига белгили рақамлари босилади.

Аттестат ҳимоялашнинг 7 та даражасига эга:

- 1) иккита босма методларидан фойдаланиш: асосий қисми — офсет усулида, рақамлари — юқори босма усулида босилади;
- 2) кўпайтириш техникасида нусха кўчиришни қийинлаштирадиган оч тусли бўёқлардан фойдаланиш;
- 3) турли шаклдаги растрли сеткалардан фойдаланиш;
- 4) турли шаклдаги растрли сеткалардан фойдаланиш натижасида янги ранглар ҳосил бўлиши;
- 5) махсус қоғоздан фойдаланиш;
- 6) Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли тасвири;
- 7) олтига шаклларда ўзгарадиган рақамлардан фойдаланиш.

The Supreme Attestation Commission of the Republic of
Uzbekistan upon the recommendation of the

Council of the National University of Uzbekistan

hereby awards the scientific title of

PROFESSOR

of

Mathematical analysis

to

Olim O. Olimov

00 № **0000000** Date: xxxxxxxx, xxxxxxxx, records xxx

Chairman

Chief Scientific

Secretary

T a s h k e n t

Reg. №

O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi

O'zbekiston Milliy universitetidagi

ilmiy kengashining tavsiyasiga ko'ra

Olim Olimovich Olimovga

«Matematik analiz» ixtisosligi bo'yicha

PROFESSOR

ilmiy darajasini berdi.

00 № **0000000** Sana: xxxxxxxx, xxxxxxxx, xxx-son bayonnoma

Rais

Bosh ilmiy

kotib

T o s h k e n t

Qaydnoma №

**Илмий унвонлар бериш тўғрисидаги
аттестатларнинг давлат намуналари
(тасвири)**

Ўзбекистон Республикаси герби

**O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
OLIIY ATTESTATSIYA KOMISSIYASI**

**SUPREME ATTESTATION COMMISSION
at the Cabinet of Ministers
of the Republic of Uzbekistan**

1 (553)-сон

— 69 —

5-модда

The Supreme Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan

upon the recommendation of the

.....

hereby awards the scientific title of

DOCENT

of

to

00 № 000000

Date: , , records

Chairman

*Chief Scientific
Secretary*

T a s h k e n t

Reg. №

5-модда

— 70 —

1 (553)-сон

O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi

.....
ilmiy kengashining tavsiyasiga ko'ra

.....

..... bo'yicha

DOTSENT

ilmiy unvonida tasdiqladi.

00 № 000000

Sana: , ,-son bayonnoma

Rais

*Bosh ilmiy
kotib*

T o s h k e n t

Qaydnoma

Доцент аттестати

Доцент аттестати яшил-хаворанг рангли махсус қоғозда тайёрланган ва 135 x 105 мм ўлчамга эга. Бланка юза томонининг юқори қисмидаги 26 мм ва 24 мм диаметрли кўк рангли концентрик айланаларда 20 мм диаметрли рангли Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлашган. Пастки қисмида ўзбек тилида лотин шрифтида ва инглиз тилида кўк ҳарфлар билан қуйидагилар ёзилган:

**O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
OLIY ATTESTATSIYA KOMISSIYASI**

**SUPREME ATTESTATION COMMISSION
at the Cabinet of Ministers
of the Republic of Uzbekistan**

Бланка ички бетининг чап томони марказида 70 мм диаметрли фонли Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлашган. Ўртаси бўйлаб тўқсариқ фонли полоса ўтган. Иккала бет ҳам 1,5 x 1,5 мм ва 2 x 2 мм ўлчамли растрли сеткалардан иборат бўлади. Инглиз тилидаги матн қора рангли ҳарфларда, аттестатнинг тартиб рақами эса — қизил рангли рақамларда босилган.

Бланка ички бетининг ўнг томони марказида 70 мм диаметрли фонли Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлашган. Ўртаси бўйлаб тўқсариқ фонли полоса ўтган. Иккала бет ҳам 1,5 x 1,5 мм ва 2 x 2 мм ўлчамли растрли сеткалардан иборат бўлади. Ўзбек тилидаги матн лотин шрифтида қора рангли ҳарфларда, аттестатнинг тартиб рақами эса — қизил рангли рақамларда босилган.

Аттестатнинг иккала бетига аттестат сериясининг иккита белгили рақамлари ва аттестат тартиб рақамининг олти белгили рақамлари босилади.

Аттестат химоялашнинг 7 та даражасига эга:

- 1) иккита босма методларидан фойдаланиш: асосий қисми — офсет усулида, рақамлари — юқори босма усулида босилади;
- 2) кўпайтириш техникасида нусха кўчиришни қийинлаштирадиган оч тусли бўёқлардан фойдаланиш;
- 3) турли шаклдаги растрли сеткалардан фойдаланиш;
- 4) турли шаклдаги растрли сеткалардан фойдаланиш натижасида янги ранглар ҳосил бўлиши;
- 5) махсус қоғоздан фойдаланиш;
- 6) Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли тасвири;
- 7) олти шаклларда ўзгардиган рақамлардан фойдаланиш.

The Supreme Attestation Commission of the Republic of
Uzbekistan upon the recommendation of the

Council of the National University of Uzbekistan

hereby awards the scientific title of

DOCENT

of *Mathematical analysis*

to *Olim O. Olimov*

00 № **000000** Date: xxxxxxxx, xxxxxxxx, records xxx

Chairman *Chief Scientific*

Secretary

T a s h k e n t

Reg. №

O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi

O'zbekiston Milliy universitetidagi

ilmiy kengashining tavsiyasiga ko'ra

Olim Olimovich Olimovga

«Matematik analiz» ixtisosligi bo'yicha

DOTSENT

ilmiy unvonida tasdiqladi.

00 № **000000** Sana: xxxxxxxx, xxxxxxxx, xxx-son bayonnoma

Rais *Bosh ilmiy*

kotib

T o s h k e n t

Qaydnoma №

**Илмий унвонлар бериш тўғрисидаги
аттестатларнинг давлат намуналари
(тасвири)**

Ўзбекистон Республикаси герби

**O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
OLIIY ATTESTATSIYA KOMISSIYASI**

**SUPREME ATTESTATION COMMISSION
at the Cabinet of Ministers
of the Republic of Uzbekistan**

5-модда

— 74 —

1 (553)-сон

The Supreme Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan

upon the recommendation of the

.....

hereby awards the scientific title of

SENIOR SCIENTIFIC RESEARCHER

of

to

00 № 000000

Date: , , records

Chairman

*Chief Scientific
Secretary*

T a s h k e n t

Reg. №

1 (553)-сон

— 75 —

5-модда

O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi

.....
ilmiy kengashining tavsiyasiga ko'ra

.....
..... bo'yicha

KATTA ILMIY XODIM

ilmiy unvonida tasdiqladi.

00 № 000000

Sana: , ,-son bayonnoma

Rais

*Bosh ilmiy
kotib*

T o s h k e n t

Qaydnoma

Катта илмий ходим аттестати

Катта илмий ходим аттестати яшил-хаворанг рангли махсус қоғозда тайёрланган ва 135 x 105 мм ўлчамга эга. Бланка юза томонининг юқори қисмидаги 26 мм ва 24 мм диаметрли кўк рангли концентрик айланаларда 20 мм диаметрли рангли Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлашган. Пастки қисмида ўзбек тилида лотин шрифтида ва инглиз тилида кўк ҳарфлар билан қуйидагилар ёзилган:

**O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
OLIY ATTESTATSIYA KOMISSIYASI****SUPREME ATTESTATION COMMISSION
at the Cabinet of Ministers
of the Republic of Uzbekistan**

Бланка ички бетининг чап томони марказида 70 мм диаметрли фонли Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлашган. Ўртаси бўйлаб тўқсариқ фонли полоса ўтган. Иккала бет ҳам 1,5 x 1,5 мм ва 2 x 2 мм ўлчамли растрли сеткалардан иборат бўлади. Инглиз тилидаги матн қора рангли ҳарфларда, аттестатнинг тартиб рақами эса — қизил рангли рақамларда босилган.

Бланка ички бетининг ўнг томони марказида 70 мм диаметрли фонли Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлашган. Ўртаси бўйлаб тўқсариқ фонли полоса ўтган. Иккала бет ҳам 1,5 x 1,5 мм ва 2 x 2 мм ўлчамли растрли сеткалардан иборат бўлади. Ўзбек тилидаги матн лотин шрифтида қора рангли ҳарфларда, аттестатнинг тартиб рақами эса — қизил рангли рақамларда босилган.

Аттестатнинг иккала бетига аттестат сериясининг иккита белгили рақамлари ва аттестат тартиб рақамининг олтига белгили рақамлари босилади.

Аттестат ҳимоялашнинг 7 та даражасига эга:

- 1) иккита босма методларидан фойдаланиш: асосий қисми — офсет усулида, рақамлари — юқори босма усулида босилади;
- 2) кўпайтириш техникасида нусха кўчиришни қийинлаштирадиган оч тусли бўёқлардан фойдаланиш;
- 3) турли шаклдаги растрли сеткалардан фойдаланиш;
- 4) турли шаклдаги растрли сеткалардан фойдаланиш натижасида янги ранглар ҳосил бўлиши;
- 5) махсус қоғоздан фойдаланиш;
- 6) Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли тасвири;
- 7) олтига шаклларда ўзгарадиган рақамлардан фойдаланиш.

The Supreme Attestation Commission of the Republic of
Uzbekistan upon the recommendation of the
*Council of the Instituti of Seismology, Akademy of Sciences
of Uzbekistan*

hereby awards the scientific title of

SENIOR SCIENTIFIC RESEARCHER

of *Geophysics*

to *Olim O. Olimov*

00 № **0000000** Date: xxxxxxxx, xxxxxxxx, records xxx

Chairman

Chief Scientific

Secretary

T a s h k e n t

Reg. №

O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi
O'zbekiston Fanlar akademiyasi Seysmologiya instituti
ilmiy kengashining tavsiyasiga ko'ra

Olim Olimovich Olimovga

«Geofizika» ixtisosligi bo'yicha

KATTA ILMY XODIM

ilmiy unvonida tasdiqladi.

00 № **0000000** Sana: xxxxxxxx, xxxxxxxx, xxx-son bayonnoma

Rais

Bosh ilmiy

kotib

T o s h k e n t

Qaydnoma №